



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ЎЗАРО МАНФААТЛИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ТАРАФДОРИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 июль куни қатор хорижий мамлакатларнинг давлат раҳбарлари ва нуфузли сиёсатчилари билан телефон орқали мулоқот қилди.

Хорижий ҳамкорлар давлатимиз раҳбарини таваллуд куни билан самимий муборакбод этиб, Президентимизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ҳамда аҳоли турмуш даражасини тубдан ошириш, демократик жамият институтларини мустаҳкамлаш, мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш ва халқаро мавқеини юксалтиришга қаратилган кенг қўламли ислохот ва янгиланишлар стратегиясини амалга оширишда катта муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон етакчисининг қисқа муддатда юртимизнинг жаҳон мамлакатлари ва кўп томонлама тузилмалари билан шериклик даражасини сезиларли ошириш, уни амалий мазмун билан бойитишга хизмат қилган прагматик ва фаол ташқи сиёсати алоҳида қайд этилди.

Бундан ташқари, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди, бўлажак саммитлар, шу жумладан, ШХТ, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа тузилмаларнинг йигилишларига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Президентимиз раҳбарлигида иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлидан муваффақиятли бораётгани, халқаро масалаларда конструктив роль ўйнаётганини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, у қуни кеча Шавкат Мирзиёевни дўстлик ва икки томонлама ҳамкорликини мустаҳкамлашдаги катта хизматлари учун Россиянинг юксак давлат мукофоти — Александр Невский ордени билан мукофотлаш тўғрисида фармон имзоланганини хабар қилди.

Мулоқот чоғида Олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларнинг амалга оширилиши қўриб чиқилди. Ҳукуматлараро даражада йўлга қўйилган самарали ҳамкорлик механизмлари доирасида, шу жумладан, савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг юқори суръатини таъминлаш ва устувор кооперация лойиҳаларини илгари суриш мақсадида биргаликдаги фаол ишларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон ва Россия етакчилари ҳудудлар ўртасидаги самарали алоқалар ва алмашинувларни ҳам мамнуният билан қайд этиб, уларни янада кенгайтириш лозимлигини таъкидладилар.

Туркия Республикаси Президенти Рехеп Таййип Эрдоған телефон орқали мулоқотда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва изчил ривожланишни таъминлаш борасидаги қатъий саъй-ҳаракатларини тўлиқ қўллаб-қувватлашини яна бир бор тасдиқлади.

Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шерикликини ривожлантиришнинг долзарб масалалари қўриб чиқилди.

Олий даражада эришилган, шу жумладан, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш соҳаларида, туризм инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш ҳамда гуманитар алмашинуви фойдалаштириш борасидаги келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон, Туркия ва Озарбайжоннинг ташқи ишлар, савдо ва транспорт вазирлари даражасида кўп томонлама маслаҳатлашувларни йўлга қўйиш ташаббусининг амалий аҳамияти қайд этилди.

Қозғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган кенг қўламли ислохотларнинг ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилиши барқарор ўсиш кафолати бўлиб хизмат қилиши, Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича юксак мақсад ва вазифалар тез фурсатда рўёбга чиқишига ишонч билдирди.

Ўзбекистон ва Қозғистон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликини кенгайтириш масалалари қўриб чиқилди.

Савдо ва логистика, саноат ва агросаноат соҳаларида кооперация лойиҳаларини жадаллаштириш муҳимлиги қайд этилди. Ўзбекистон ва Қозғистон ҳукуматлари даражасида яқиндан алоқаларни давом эттиришга келишиб олинди.

Бундан ташқари, минтақада йирик инфратузилма лойиҳаларини тез фурсатда тайёрлаш ва амалга оширишни бошлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

“Янги Ўзбекистоннинг барпо этилиши ва ривожланиши, мамлакатда бугун амалга оширилаётган туб ислохотлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг фойлияти билан чамбарчас боғлиқ”, деди **Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров**.

Мулоқотда бўлажак олий даражадаги учрашувларнинг кун тартибини тайёрлаш масалалари муҳокама қилинди.

Икки мамлакат ҳукуматлари савдо шартномалари ва саноат кооперацияси битимларининг янги тўпламини, шунингдек, Ўзбекистон — Қирғизистон стратегик шериклигининг устувор йўналишлари бўйича бошқа икки томонлама ҳужжатларни тайёрлаши муҳимлиги қайд этилди.

Энергетика ва транспорт соҳаларидаги йирик минтақавий лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон етакчиси Қирғизистон Президентини жорий йил 20-21 июль кунлари Чўлпонота шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви муваффақиятли ўтказилгани билан яна бир бор табриклади.

Телефон орқали мулоқотда **Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмон** давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон — Тожикистон дўстлик, яхши қўшничилик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришдаги алоҳида хизматларини қайд этди.

Жорий йил 2-3 июль кунлари Тожикистон Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи якунида эришилган келишувларни бажариш бўйича “йўл харитаси”ни ўз вақтида амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Энг аввало, энергетика соҳасидаги кооперация лойиҳаларини жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йил сентябрь ойида ўтказиладиган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд

саммитига тайёргарлик масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида кўп йиллардан буён жадал ривожланиб келаётган дўстлик ва биродарлик муносабатлари кейинги пайтларда янги мазмун билан бойиганини алоҳида таъкидлади. Унинг фикрича, бу Ўзбекистон Президентининг икки томонлама ҳамкорликини мустаҳкамлашга қаратаётган алоҳида эътибори ва улкан шахсий ҳиссаси туфайлидир.

Жорий йил 14-15 июль кунлари Туркменистон Президенти мамлакатимизга амалга оширган давлат ташрифининг самарали якунлари юқори баҳоланди. Қабул қилинган “йўл харитаси” асосида эришилган келишувларни, шу жумладан, Саноат кооперацияси бўйича ўрта муддатли дастурни, Чегараолди савдо зонасини ташкил этиш лойиҳасини, биринчи Худудлар форуми ва Иш-билармонлар кенгаши якунида имзоланган савдо шартномалари ва битимларини амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Самарали йўлга қўйилган парламентлараро мулоқот доирасида олиб борилаётган фаол алоқалар ва алмашинувлар алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

“Ўзбекистон раванқ топаётган, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлидан дадил бораётган, халқаро майдонда ҳурмат-эътибор қозongan мамлакатга айланди. Биродар Ўзбекистоннинг муваффақиятларидан Озарбайжон Республикаси чин дилдан хурсанд”, деди **Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев**.

Президентлар жорий йил 21-22 июнь кунлари мамлакатимизда ўтган олий даражадаги икки томонлама учрашув ва тадбирларнинг сермахсул натижаларини юқори баҳолادилар.

Ўзбекистон — Озарбайжон музокаралари

якунида қабул қилинган битим ва келишувларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳукуматлар ва идоралар даражасида фаол мулоқотлар ва алмашинувлар давом этаётгани, ўзаро товар айирбошлашнинг ўсиш суръатлари юқори ва барқарор экани, кооперация лойиҳаларини илгари суриш бўйича биргаликда самарали ишланаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко “миллий хавфсизликка таҳдид ва хатарлар мисли кўрилмаган даражада бўлган бугунги давримизда қўли ва доно раҳбарликка эҳтиёж, айниқса, долзарбдир. Давлат манфаатларига содиқлик, масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёрлик Ўзбекистоннинг ҳақиқий етакчисига хос фазилатлардир”, деб алоҳида таъкидлади.

Сўхбат чоғида Президентлар кейинги йилларда кўп қиррали Ўзбекистон — Беларусь муносабатлари жадал ривожланиб, аниқ мазмун билан бойиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзаро савдо ҳажми ортмоқда, иқтисодий-ётнинг турли тармоқларида муваффақиятли кооперация лойиҳалари сони ошмоқда, таълим ва маданий-гуманитар соҳалардаги алмашинув кенгаймоқда.

Ҳукуматлар раҳбарлари даражасида мунтазам ва самарали мулоқот йўлга қўйилгани юқори баҳоланди. Машинасозлик, агросаноат мажмуи, кимё, фармацевтика ва электротехника тармоқларида, амалий ҳамкорлиқнинг бошқа йўналишларида истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко билан телефон орқали мулоқотда икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари қўриб чиқилди.

Яқин ва самарали парламентлараро ҳамкорлик йўлга қўйилгани, бу Ўзбекистон — Россия дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини изчил мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Минтақавий ҳамкорлик доирасида жорий йил май ойида Ашхобод шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари ва Россиянинг парламентлараро форуми муваффақиятли ўтказилди. Октябрь ойида Тошкент шаҳрида МДҲ Парламентлараро ассамблеясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон етакчиси икки мамлакат парламентлари ўртасида яқин ва сермахсул ҳамкорликини қўллаб-қувватлашини яна бир бор тасдиқлади.

Қозғистон Республикасининг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбаев давлатимиз раҳбари биродар мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшганини таъкидлади.

Сўхбатда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб, Ўзбекистон — Қозғистон яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Минтақадаги вазиятнинг ривожланиши юзасидан қўллаб-қувватлашнинг зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, 20-21 июль кунлари Қирғизистонда ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувининг якунларига юксак баҳо берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентини номига нуфузли глобал ташкилотлар раҳбарлари ва хорижий етакчилардан кўтловлар келган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш таъкидлаганидек, “Ўзбекистон Президентини раҳбарлигида мамлакат муҳим ислохотлар жараёнини амалга ошириш билан бир қаторда иқлим ўзгариши, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва минтақавий ўзаро боғлиқлик борасидаги халқаро саъй-ҳаракатларга ҳисса қўшмоқда”.

Бош котиб Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси сифатида инсон ҳуқуқларини илгари суриш ва ҳимоя қилиш бўйича ўз зиммасига алоҳида мажбурият олганини қайд этди.

“Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бундан буён ҳам БМТ низомида мустаҳкамлаб қўйилган қадрият ва принциплари илгари суришда Ўзбекистон Республикасига таянади”, дейилади энг нуфузли глобал институт Бош котибининг мактубида.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин ўз табрикомасида “Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда турли соҳалардаги янгиланишлар дадил амалга оширилмоқда ва Янги Ўзбекистонни барпо этиш ишлари кенг қўл очмоқда, бундан эса Хитой томони жуда мамнун”, деб таъкидлаган.

“Жорий йилда Хитой ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланмоқда. Ўттиз йил давомида Хитой — Ўзбекистон муносабатлари узлуқсиз ривожланиб, давлатлар ўртасидаги яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йил февраль ойида Пекинда сермахсул учрашув ўтказдик ва икки томонлама муносабатларни янги тарихий воқелик шароитларида илгари суриш бўйича муҳим келишувларга эришдик.

Мен Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқдаман ва Сиз билан ўртаимиздаги мустаҳкам дўстлиқни қадрлайман. Икки мамлакат ва халқ фаровонлиги йўлида кўп қиррали ҳамкорликини янада кенгайтиришга биргаликда ҳаракат қилишга тайёрман”, деб таъкидлаган Раис Си Цзиньпин.

Қуйидагилар ҳам ўз табрикларини йўлаган: Туркменистон Президенти **Сердар Бердимухамедов**;

Арманистон Республикаси Президенти **Ваагн Хачатурян**;

Мўғулистон Президенти **Ухаагийн Хурэлсух**;

Бирлашган Араб Амириклари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амрлиги ҳокими **Мухаммад бин Рошид Ол Мактум**;

Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси **Михаил Мишустин**;

Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши Раисининг ўринбосари **Дмитрий Медведев**;

Арманистон Республикаси Бош вазири **Никол Пашинян**;

Бирлашган Араб Амириклари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси — Ижроия котиби **Сергей Лебедев**;

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Чжан Мин**;

Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Бағдод Амреев**;

Евроосиё иқтисодий комиссияси хайъати раиси **Михаил Мясникович**;

Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгаши раиси **Бинали Илдирым**;

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти бош котиби **Зураб Пополкашвили**.

Кўтловлар келишда давом этмоқда.

ЁШЛАР — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС САРИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИ

азму шижоат ва жўшқин руҳ билан жамиятимизнинг улғувор қиёфасини яратади



Ёшларимиз билими, ақл-заковати, тафаккури билан Ўзбекистон номини халқаро миқёсда эътироф эттирмоқда, нуфузли аренаalarda туриб юртимиз байрогини фахр билан ҳилпиратмоқда.

Давоми 2-бетда

КЎЗ ЎНГИМИЗДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Ушбу завод мамлакатимизда ва умуман, минтақамизда нефть-газ-кимё саноати соҳасидаги энг йирик корхонадир. Янги Ўзбекистоннинг қудратли иқтисодий салоҳияти айнан мана шундай мажмуаларда намоён бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЧЎЛ БАҒРИДАГИ ЖАВОҲИР



3-бетга қаранг.

ИФТИХОР

Инсон қадри

Тирикликнинг ифоридай гуллар атри,
Булбул учун муқаддасдир бўстон қадри.
Булбул асло яшолмас ўз чаманисиз,
Инсон яшолмағай ҳаргиз Ватанисиз.
Яшнар экан токи давру замон қасри —
Бу Ватанда муқаддасдир инсон қадри.

Сен эгилиб чигит экдинг, пахта тердинг,
Шунча молу дунёингни кимга бердинг?
Юз йил меҳнат қилдинг, косанг оқармади,
Халқим, толе сенга ҳам бир боқармиди?
Келди энди чин деҳқону, боғбон қадри,
Бу Ватанда муқаддасдир инсон қадри.

Миллатларни бирлаштирган ташкилотда
Сен ўзбекча сўйлар эдинг, Ўзбек ота.
Сен ўзбекча сўйлардинг — мен йиғлар эдим,
Уч юз етмиш томирим-ла тинглар эдим.
Баланд бўлди элда илму ирфон қадри,
Бу Ватанда муқаддасдир инсон қадри.

Келажакнинг кўркам қасру уйларида,
Тўйларида, маҳалла ҳам кўйларида —
Эллар, халқлар бирлашиб байрам бўлади,
Бу давронлар ҳали дув-дув гап бўлади.
Ўзбек учун муқаддасдир меҳмон қадри —
Бу Ватанда муқаддасдир инсон қадри.

Ўзинг қурдинг уч минг йиллик давлатингни,
Қадрига ет оринг, шаъну шавкатингни.
Бугун имон келтирди-ку рўйи жаҳон,
Ўзбекистон, ота макон, она макон.
Чин сарбонга қутлуг бўлсин қарвон қадри,
Бу Ватанда муқаддасдир инсон қадри,
Инсон қадри муқаддасдир, инсон қадри.

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

МУНОСАБАТ

БУ КУНЛАРНИ ФАҚАТ
ОРЗУ ҚИЛГАНМАН

Маърифатпарвар аллома, шарқ ва ғарб тиллари билимдони Исҳоқхон Ибратнинг ёрқин хотираси ҳамда номини абадийлаштириш, Наманган вилоятида хорижий тилларни мукамал эгаллаган, чуқур билимга эга кадрларни тайёрлаш мақсадида Президентимизнинг жорий йил 9 июндаги қарори билан Исҳоқхон Ибрат номидаги Наманган давлат чет тиллари институти ташкил этилиши, биз, Наманган аҳли қалбини фахру ифтихорга тўлдирди. Кўп йиллик тажрибага эга муаллим ва она сифатида бу кунларни фақат орзу қилганман.



Раҳима ЖҲРАЕВА,
Ўзбекистон қизмат
Кўрсатган ёшлар
мураббийси

Мингбулоқ туманида ўзим тахсил олган мўъжазгина мактабда узоқ йиллар немис тилидан дарс бердим. Тил ўрганишга болагимдан иштиёким баланд бўлгани боис, хориж тилини билган асло кам бўлмаслигини ҳамisha ўқувчилар онгига сингдириб келдим. Икки суяңчим ва қанотларим саналган ўғилларимга, кўзимнинг қароси ёлғиз қизимга чет тилларни мукамал ўрганиш завқи бўлакча эканини таъкидлашдан чарчамадим. Эсимда, катта фарзандим айна ўқишга қирадиган пайтларда вилоятимиздаги олий ўқув юртида биргина хорижий факультет бўлиб, квота ўта кам, имтиёзлар деярли йўқ эди.

У вақтлар бозор иқтисодига ўтиш даври кўп жиҳатдан ҳаммага қийин

бўлган. Тўнғичим Дониёр она изидан бориб, тил ўрганиб кам бўлмади. Наманган давлат университети хорижий филология факультетининг немис тили йўналишида тахсил олиб, айна пайтда Германиянинг BMW заводда менежмент сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Кенжа ўғлим Элёр Япониянинг Нагоя университетини тамомлади. Ҳозирги кунда у Токио шаҳрида телекоммуникация соҳасида ишлаяпти. Қизим Зумрадхон ҳам хорижий тилларни пухта эгаллашни орзу қилган. Нияти Исҳоқхон Ибрат номидаги Наманган давлат чет тиллари институти талабаси бўлиш.

Не бахтки, бугун Наманганда чет тилларни дунё таълим стандартлари асосида ўқитишга ихтисослаштирилган, бир йўла бир неча тилларни ўқитадиган олий даргоҳ ёшларимизга кучоқ очади. Қарорда халқаро баҳолаш дастурлари — PISA, TALIS, PIRLSдан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг замонавий шакллари ҳамда методларини жорий этиш, мазкур билим ва кўникмаларга эга бўлган олий маълумотли мутахассислар ҳамда илмий-педагог кадрларни тайёрлаш кўзда тутилган. Зеро, оламга машҳур француз файласуфи, серкюрр истёъод эгаси Вольтер айтганидек, кўп тилларни билиш битта қалит билан кўп эшикларни очмоқликдир. Президентимиз томонидан илм олиш ва ёшлар истёъодини рўёбга чиқариш борасида чексиз имкониятлар яратиб берилмоқда. Шу имкониятлардан унумли фойдаланиб қолиш керак. Янги Ўзбекистон ёшлари шу тарика дунёга чиқади. Юртига, миллатига содиқ Ибрат домлалар пайдо бўлади.

ЁШЛАР — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС САРИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИ

азму шижоат ва жўшқин руҳ билан
жамиятимизнинг улғувор қиёфасини яратади

Бошланиши 1-бетда

Хитойда масофавий ўтказилган 54-халқаро кимё олимпиадасида дунёнинг 80 та давлатидан 320 нафар ўқувчи иштирок этди. Ушбу нуфузли беллашувда ўзбекистонлик ўқувчилар 4 та кумуш медални кўлга киритди. Жумладан, Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчилари Мафтуна Бадалова, Азимжон Жамолов, Икромиддин Боймаҳаммадов ҳамда Навоий вилояти Навоий шаҳридаги 11-айрим фанларни чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактабнинг 11-синф ўқувчиси Шерзод Шайматов совриндор бўлди.

— Хитойда пандемия шароити бўлгани учун 54-халқаро кимё олимпиадаси онлайн ўтказилди, — дейди ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослашган мактаб-интернати халқаро олимпиадага тайёрлов маркази мураббийи Моҳира Болтаева. — Мазкур беллашувда иштирок этиш учун ҳар бир мамлакат ўз миқёсида ўтказилган мусобақаларда ғолиб бўлган ўқувчилар орасидан энг кучлиларини саралайди. Терма жамоасини тузди ва олимпиадага жўнатади. Демак, 320 ўқувчининг ҳар бири ўз давлатининг билими кучли ўқувчиси. Энг аввало, бу мусобақада қатнашишнинг ўзи ўқувчи учун катта ютуқ. Ўзбекистон терма жамоаси таркиби 4 кишидан иборат бўлиб, улар дастлаб мактаб, сўнг туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида ўтказилган олимпиадаларда қатнашиб, юқори ўринларни эгаллаб келган. Терма жамоа таркибига Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 3 нафар ва Навоий шаҳридаги



11-айрим фанларни чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактабнинг 1 нафар ўқувчиси киритилган. Кувонтиргани, терма жамоанинг барча аъзоси 54-халқаро кимё олимпиадасида биттадан кумуш медални кўлга киритди. Бу, албатта, жуда катта натижа!

Шу ўринда мактаб ҳақида икки оғиз сўз. Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернати очилганидан икки йил ўтиб ўқувчилари халқаро мусобақаларга чиқди ва натижа кўрсата бошлади. Бунга мисол: ўтган йилги олимпиадада 2 ўқувчиси бронза медални кўлга киритган эди.

— Ўзим айна дамда талабаман. Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 4-курсда ўқийман. Мен ҳам

худди шундай нуфузли олимпиадаларда қатнашиб, ғолиб бўлганман, — дейди Моҳира Болтаева. — Жумладан, 2019 йили ўтказилган халқаро кимё олимпиадасида, сўнг Халқаро Менделеев кимё олимпиадасида қатнашиб, кумуш медалларни кўлга киритганман. Ҳозир олимпиадаларга тайёргарлик кўриш жараёнида тўплаган билимимни ўқувчилар билан бўлишяпман. Иштирокчиларни бир ўзим тайёрламайман, албатта. Биз, мураббийлар ҳам бир жамоа бўлиб ишлаймиз. Чунки халқаро олимпиадада қатнашиш учун ўқувчи жуда катта билимни ўзлаштириши зарур. Шу боис, ўқитувчилар жамоаси ўз йўналишимиз бўйича машғулотларни тақсимлаб олганмиз. Юқорида айтганимдек, бу бизнинг тактикамиз.

Ёрқин таассуротлар



Азиза жуда вазмин табиатли, мупоҳазали, қобилиятли ва тиришқоқ қиз. У билан суҳбатлашсангиз, сокинлик, хотиржамлик туяси. Устозларининг айтишича, у билим олиш жараёнида ўз устида тинмай ишлайди, ҳеч қачон бир жойда тўхтамайди, ўрганишдан чегараланмайди. Янада кўпроқ ўқишга, билим эгаллашга, ўрганишга ҳаракат қилади. Айниқса, ҳар доим интернет орқали ўзи қизиққан биология ва кимё фанларига оид янгиликлар билан танишиш, янги маълумотлар олиш пайида бўлади. Илмга чанқоқлиги боис, Азизага яна омад кулиб боқди. 10-18 июль кунлари Арманистонда ўтказилган 33-халқаро биология олимпиадасида Тошкент педиатрия тиббиёт институти хузуридаги академик лицей ўқувчиси Азиза Абдувалиева бронза медални кўлга киритди. Дунёнинг 64 та давлатидан 256 ўқувчи қатнашган нуфузли мусобақада иқтидорли қиз Ўзбекистон шарафини юқори билими билан ҳимоя қилди.

Юртимиз терма жамоаси вакиллари ушбу олимпиадада 1997 йилдан буён иштирок этиб келмоқда. Ҳозирга қадар вакилларимиз жами 3 олтин, 4 кумуш, 9 бронза медални кўлга киритган. Эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳат шуки, Азиза Абдувалиева ушбу ютуғи туфайли имтиёзларга ҳам эга бўлди. Жумладан, белгиланган тартибга кўра, олий таълим муассасасига тест синовларисиз, давлат гранти асосида қабул қилинади ҳамда бронза медал учун 60 миллион сўм, пул мукофоти билан тақдирланади. Ўқитувчиси ҳам бенасиб қолмайди, унга 45 миллион сўм берилади.

Азиза эндигина 17 ёшни қаршилаган. У Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида воёга етган. Ўққиз йиллик таълимни тумандаги 42-мактабда олган. Айна пайтда Тошкент педиатрия тиббиёт институти хузуридаги академик лицей битирувчиси, катта мақсадлар сари интилган ёшлардан.

Ютуқлар шунчаки
қўлга киритилмайди

Лазизбек Ражаббоев юртимизнинг энг чекка ва олис ҳудудларидан бўлган Қорақўл туманида воёга етган. Болагидан математика фанига қизиқиши кучли бўлгани туфайли 2016 йилдан буён Қорақўл туманидаги халқаро математика мактабидида ўқини давом эттириб келяпти. Ҳозир Лазизбек Ражаббоев Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси сифатида турли халқаро олимпиада ва мусобақаларда совринли ўринларни кўлга киритиб, мамлакатимиз ёшларига ҳар жиҳатдан ўрнатқ бўлмоқда.

— 2021 йил мен учун жуда омадли келди. Йил бошиданок жуда кўплаб ютуқларга эришдим, — дейди Лазизбек. — Жумладан, ўтган йили 8-12 январь кунлари Қозоғистонда ўтказилган Жаутиков халқаро онлайн олимпиадасида бронза медални, 27 июль — 1 август кунлари бўлиб ўтган халқаро математика мусобақасида якка тартибда кумуш медални кўлга киритдим. Яна 6-10 сентябрь кунлари ўтказилган Болқон математика олимпиадасида бронза медал, 5 ноябрь куни Эронда ташкил этилган геометрия онлайн олимпиадасида кумуш медал соҳиби бўлдим. Бу йил ҳам 15-23 февраль кунлари Қозоғистонда ўтказилган Жаутиков халқаро онлайн олимпиадасида иштирок этиб, кумуш медалга муносиб қўрилдим. Янада қувонарлики, 30 июль — Ёшлар куни муносабати билан камтарона ютуқларим юксак баҳолашиб, “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирландим. Бу мукофот менга ишонч баробарида зиммамга масъулият ҳам оқлаганди. Мукофотнинг залворини юракдан ҳис этган ҳолда юртимиз шарафини ўз билимим, куч-ғайратим билан янада оширишни мақсад қилгандим. Шу орзум қисман амалга ошди. 6-16 июль кунлари Норвегиянинг Осло шаҳрида ўтказилган 63-халқаро математика олимпиадасида қатнашиб, бронза медални кўлга киритдим. Тенгдошларимга бир гапни айтмоқчиман: ютуқлар шунчаки қўлга киритилмайди. Бунинг учун кўп ўрганиш, ўқиш керак.

Юртимиз азал-азалдан дунёга машҳур олимлар ватани бўлиб келган. Дунёнинг узоқ-яқин минтақаларида ўтказилаётган турли беллашувларда илмини, заковатини, кучини кўрсатиб келаётган ўғил-қизлар томирида ҳам ўша буюк сиймолар қони гупуриб оқмоқда. Бобомерос шижоат ёшларнинг куч-ғайрати, халқимизнинг ишончи ва яратилган замонавий шартлар билан уйғунлашиб, Янги Ўзбекистонда интеллектуал юксак авлоднинг камол топишига асос бўлади.

Гулсум ШОДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Uzbekistan GTL” — иқтисодий салоҳиятимиз кўзгуси

Қашқадарёда “Uzbekistan GTL” заводи ишга туширилиши ўтган йилнинг энг муҳим, долзарб ва шош-шувли воқеаларидан бирига айланди. Зотан, мазкур саноат объекти нефть-газ соҳасида кам учрайдиган йирик ва ноёб ишлаб чиқариш корхонаси сифатида барчада катта қизиқиш уйғотди. Бундай заводни барпо этиш ҳамма­нинг ҳам кўлидан келавермайди. Бунинг учун, аввало, қулай шарт-шароит ва инфра­тузилма, юксак иқтисодий салоҳият, қатъий ирода ҳамда ишонч зарур. Айтиш керакки, Ўзбекистонда ушбу омилларнинг барчаси мав­жудлиги боис, мазкур корхона қад рост­лади.

Ҳозирги кунга қадар газдан юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхонага эга давлатлар саноқли. “Uzbekistan GTL” заводи туфайли Ўзбекистон иқтисоди бақувват шундай мам­лакатлар қаторига кирди. Мазкур саноат объекти чиндан ҳам камёб. Бу ерда юқори сифатли ва талабгир, экологик жиҳат­дан тоза ёқилғи маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Қолаверса, у мамлакат иқтисоди ўсишига катта ҳисса қўшади. Шу боис, заводнинг очилиш маросими ҳақиқий байрамона тоза олиб, ўша лаҳзалар ахборот манбалари, интернет на­шр­лари, расмий ОАВнинг махсус мавзусига айлانганди.

Тантанали маросимда давлатимиз раҳбари иштирок этиб, ушбу завод мам­лакатимиз, умуман, минтақа нефть-газ ва кимё саноати соҳасидаги энг йирик корхона эканини, Янги Ўзбекистоннинг қудратли иқтисодий салоҳияти айнан мана шундай мажмуаларда яққол намоён бўлишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кейинги йилларда саноатни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқишга қаратил­ган сиёсат, амалий саъй-ҳаракатлар са­мараси бўлишиш “Uzbekistan GTL” Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини бел­гиловчи муҳим объектлардан биридир. Негега? Сабабини қуйидаги рақамлардан англаб олиш қийин эмас. Аввало, илгари биз газнинг ўзини хомашё сифатида сот­ган бўлсак, энди ундан қўшимча қиймат яратилляпти. Яъни газни қайта ишлаш ҳисобига йилгига 724 минг тонна синтетик дизель ёнилғиси, 307 минг тонна син­тетик керосин, 437 минг тонна синтетик нафта ва 53 минг тонна сулфитрилган газдан ташқари синтетик мойлар, пара­фин гранулялари каби маҳсулотлар ҳам олинади.

“Uzbekistan GTL”нинг яна бир ўзига хослиги шундаки, завод электр энергия­си билан ўзини ўзи таъминлайди. Яъни заводда ишлаб чиқариш жараёнида ҳо­сил бўлган буг ҳисобига электр энергия­си ҳосил қилинади. Ҳозир завод эҳтиё­жидан ор­тиқча энергияни миллий электр тармоғига етказиб бериш имкониятига ҳам эга. Бу ҳам қўшимча даромад дега­ни. Бир сўз билан айтганда, мазкур лойи­ҳа рентабеллигига ишонч юқори. Чўл бағридаги гигант корхона бугун барқарор фаолият қоритмоқда.




Марсель Юрген КРАУЗЕ (Канада),
“Uzbekistan GTL” заводи техник директори:

— Нефть-газ соҳасида анчадан буён меҳнат қиламан. Ишим туфайли қанчадан-қанча давлатларда бўлдим. Кўп­лаб ҳамкасблар билан дўст тутдим. Бу ерга келишимдан аввал Қатарда ишлаганман. Ростини айтишим керак, ҳеч бир йирик корхоналарда сизлардагидек ёшларга кенг имкониятлар яратилмаган. Жумладан, ҳозирда ўзим фаолият олиб бораётган “Uzbekistan GTL”да ҳам асосий иш ўринла­рида деярли ёшларга ишонч билдирилган. Бу эса, келажакда айнан нефть саноа­тида етук кадрлар етишиб чиқаётганидан далолат.

Ганнинг лўндаси, бугун Ўзбекистон ёшларига ҳавасим келади. Шундай гўзал юрт­да, гигант корхоналарда ёш бўлишга қарамасдан ишлашнинг ўзи бахт. Тиришқок, истеъдодли кадрлар ҳамкорлик эканидан хурсандман.



Музаффар Абдуллаев олган суратлар.





Гаррет Брайан ДЖОНС (Буюк Британия),
“Uzbekistan GTL” заводи техник хизмат кўрсатиш менежери:

— “Uzbekistan GTL” заводи мамлакатингиз нефть-газ ва кимё саноатини янги технологик босқичга олиб чиқди. Бугун корхонада ўрнатилган асбоб-ускуналар ва қурилмалар жаҳон миқёсидаги энг сўнгги ва инновацион жиҳозлар қаторига кир­ди. Бу эса иш жараёнини мукаммал олиб боришга имконият яратди.

Бир-бирига боғлиқ икки мажмуа

Қашқадарё деганда кўз ўнгимизга ав­вало, кенг дала­лар, қиру адирлар, тоғу даштлар келади. Бир қарашда шундай. Лекин бу воҳа саноат салоҳияти билан ҳам машхур. Зеро, бу ерда жойлаш­ган биригина Шўртан газ-кимё мажмуаси Ўзбекистондан ташқарида ҳам яхши маълум. “Uzbekistan GTL” ана шу маж­муанинг ёнгинасида жойлашган. Мана, нима учун янги корхона айнан Қашқа­дарёнинг Ғузор туманидаги йирик газ-кимё мажмуаси атрофида барпо этилган!

Лойиҳада, биринчи навбатда, тежам­корликка эътибор қаратилган. Чунки “Uzbekistan GTL” фаолияти учун зарур хомашё — метан гази Шўртан газ-кимё мажмуасида бор. Ташиш учун ҳеч қан­ча харажат кетмайди. Бор-йўғи бир неча юз метрли қувур тортилган, холос. Бугун хомашё ушбу қувур орқали мунтазам ке­либ турибди. Шу аснода ишлаб чиқариш жараёни ҳам бир зумга тўхтамайди. Бу­юртмачи — турли русумли юк машинаси ва поезд вагонлари завод ҳудудига би­рин-кетин кириб бормоқда. Иш шу қадар қизинки, баъзан заводга кириш учун та­шувчи транспортларга йўл беришингизга тўғри келади. Хусусан, бизда ҳам шундай бўлди. Завод ҳудудига кириш учун поезд таркиби ва бошқа транспорт воситалари ўтишини кутиб турдик.

Нихоят, завод ҳудудидамиз. Узоқдан оддий металл конструкцияли қурилмага ўхшаб кетадиган заводнинг мажбурият салобатини ичкарига кирган сари ҳис этиб, ҳайратингиз ошиб бораверади. Бу ердаги ҳар бир қурилма, ускуна ёки бино мукаммал лойиҳа асосида барпо этил­ган. Ўн тўртта бўлимдаги ҳар мутахассис ўз ишини яхши ўзлаштирган. Бу табиий

ҳол. Чунки заводга қабул қилинадиган ҳар бир ишчи синовдан ўтказилади. Улар ўз мутахассислигидан ташқари хорижий тиллардан бирини ҳам билиши шарт. Боиси, заводга Жанубий Корея, Япо­ния, Германия, Сингапур, АҚШ, Россия, Хитой, Италия, Буюк Британия каби 24 давлатнинг 130 га яқин етакчи корхона­сининг 10 мингдан зиёд ускунаси ўрна-



тилганки, бу кишидан етарлича билим ва тафаккур талаб қилади.

— Қарийб ўн беш йилдан буён шу соҳаданман, — дейди заводнинг мунта­зам хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Ғулмурад Қўрбонов. — Шу пайтгача бир қатор катта-кичик корхоналарда меҳнат қилдим. Лекин улар орасида “Uzbekistan GTL” бошқача, ягона десам ҳам бўлади. Негакки, бу ерда энг охири русумдаги технологиялар ўрнатилган, бу одамга ўз­гача шашт беради. Иш осон эмас. Лекин замонавий ускуна ва жиҳозлар оғирлик­ни сездирмайди. Заводимизда 30 дан ор­тиқ ийрик марказий компрессор, 1200 дан зиёд насос бор. Ўзим шуларни ўрна­тишдан тортиб, ишга туширишгача бўл­ган барча жараёнда иштирок этганман. Вази­фамиз заводда мавжуд қурилма ва жиҳозларнинг мунтазам, барқарор ва хавфсиз ишлашини таъминлаш. 145 дан ор­тиқ мутахассисимиз шунга масъул. Од­дий айтганда, заводнинг барқарор фао­лият юритиши бизга боғлиқ. Шу боис, мен бўлиммизни заводнинг юрагига ўхшата­ман. Бу жамоамиз зиммасига янада катта масъулият ва жавобгарлик юкляди.

Заводдаги ҳар бир жараён, ҳар бир ҳаракат автоматлаштирилган. Иш тўлиқ компьютер орқали бошқарилади ва куза­тиб борилади. Қайсидир ускунада муаммо пайдо бўлгани, дарҳол у ишлаб чиқариш­ни бошқариш бўлимидаги компьютерлар­да ақс этади. Ўз навбатида, кузатилган нуқсон дарров бартараф этилади. Ма­салан, мутахассис Даврон Бегимқулов ишлаб чиқарилган маҳсулотларни фильр­лаш жараёнига масъул. Айнан унинг жа­моаси рухсати билан тайёр маҳсулотлар резервуарга жойланиб, автомобиль ёки вагонларга юкланади. Шу тарика маҳсулот харидор манзилига етиб боради.

Олтиндан-да юқори қийматли ташаббус

Яна бир гап: одатда қимматбаҳо ме­талл ёки маҳсулот ҳақида фикр қоритил­ганда, аввало, олтин тилга олинади. Бу — ҳақиқат. Чунки олтин жаҳон бозорида ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам қиммат­баҳо металл. Лекин мутахассислар билан суҳбатлашсангиз, гази ҳам тилла­дан кам қўришмайди. Нимага? Сабаби, қайд этганимиздек, олтинни фақат қий­мати баланд маҳсулот сифатида тушу­намиз. Бироқ ундан яна нималар ишлаб чиқариш мумкинлиги ҳусусида яхши маълумотга эга эмасмиз. Газдан эса, мутахассислар таҳлилига кўра, 100 дан ор­тиқ маҳсулот олса бўлади.

Қашқадарёнинг Ғузорида, “Uzbekistan GTL” заводи ҳудудида амалга оширилаётган ишлар бунинг яққол тасдиғидир. Демак, Президентимиз ғояси, ташаббуси олтиндан-да юқори қийматли. Унинг жо­нажон Ўзбекистонимиз равнақи учун нечоғлиқ муҳим ва аҳамиятли бўлаёт­ганини бугунги қилинаётган хайрли ишлар, эзгу мақсадли лойиҳалар мисолида кўриб турибмиз.

Бугунги кунга келиб, завод атрофи ўзига хос саноат ҳудудига айланмоқда. Айтилган гаплар, кўзда тутилган режа­лар амалга кўчиб, янги-янги лойиҳалар бирин-кетин рўбёга чиқарилмоқда. Жум­ладан, шу кунларда ҳудудда “Uzbekistan GTL” заводиди ишлаб чиқариладиган 430 минг тонна нафтан қайта ишлаш ҳисобидан йилгига 380 минг тонна поли­этилен ва полипропилен тайёрлаш қув­ватига эга янги корхона қуриляпти. Бу билан мингга яқин янги иш ўрни яратилиб, қўшимча 550 миллион долларлик маҳсу­лот ишлаб чиқарилади.





Браам ЭРАСМУС (Жанубий Африка Республикаси),
“Soso!” компанияси лицензиар вакили:

— Мазкур заводда ишлаб чиқарилаётган синтетик ёқилғи маҳсулотлари халқаро стандартларга тўлақонли жавоб берадиган ва экологик тоза маҳсулот ҳисобланади. Бу амалда ҳам исботланмоқда. Келажакда иқтисодий жиҳатдан ҳам мамлакат ривожига каттагина фойдаси тегадиган гигант завод фаолияти барчанинг ҳавасини оширмоқда. Албатта, ҳар бир юрт ўзларида шундай йирик корхоналар бўлишини орзу қилмоқда. Бошида кўпчилик бир оз ишонқирамаган ҳолда кузатиб борганди. Аммо бугун барчаси ортда қолди. Айни дақиқаларда бемалол айта олиш мумкинки, бу завод кўп йиллар юртнинг фаровонлиги учун хизмат қилади.

— Ўзбекистон нефть-газ саноатининг бу каби ютуқларида бевосита иштирок этиш биз, ёш мутахассисларга катта ғурур бағишлайди, — дейди заводнинг син­тез газ ишлаб чиқариш цехи муҳанди­си Асилбек Хайруллаев. — Чиндан ҳам, жорий йилнинг июнь ойи жамоамиз учун баракали келди. Анчадан буён кутилган бир неча маҳсулоти ишлаб чиқариш ўз­лаштирилди. Хусусан, дизель ёнилғимиз Навоий кон металлургия комбинати ла­боратория текширувларидан жуда яхши ўтди. Биринчи партия харидори ҳам шу комбинат бўлди. Шунингдек, ушбу ди­зель ёнилғисини транспорт воситаларида турт фоиш кам сарфланади. Бу маҳсу­лотимиз сифатли ҳамда тоза эканини аниглади. Ҳозир йилгига 744 минг тонна дизель ёнилғиси ишлаб чиқариш имко­нияти мавжуд.

“Uzbekistan GTL” бугун шундай ян­гиликлар майдонига айланмоқда. Янги Ўзбекистон мутахассислари, ёшлари, саноатчилари илгари имконсиздек ту­юлган ишларнинг уддасидан чиқяпти. Янги-янги лойиҳаларни режалаштир­моқда.





ШУ КУНЛАРДА ҲУДУДА “UZBEKISTAN GTL”
ЗАВОДИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИГАН 430 МИНГ
ТОННА НАФТАНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ҲИСОБИДАН
ЙИЛИГА 380 МИНГ ТОННА ПОЛИЭТИЛЕН ВА
ПОЛИПРОПИЛЕН ТАЙЁРЛАШ ҚУВВАТИГА
ЭГА ЯНГИ КОРХОНА ҚУРИЛЯПТИ. БУ БИЛАН
МИНГГА ЯҚИН ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛИБ,
ҚЎШИМЧА 550 МИЛЛИОН ДОЛЛАРИК
МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ.

— Заводимизда шу кунгача 30 минг тоннага яқин дизель маҳсулоти ишлаб чиқарилди ва 6 минг тоннага яқин наф­та олинди, — дейди “Uzbekistan GTL” заводи директорининг техник хизмат кўрсатиш бўйича ўринбосари Шаҳзод Мамасодиқов. — Таъкидлашни истар­димки, Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан қурилган ушбу ўта мураккаб технологияли завод Ўзбеки­стонни дунёга жаҳоннинг бешта давла­тидан бири сифатида танитди. Маса­лан, биздаги ҳаво ажратиш қурилмаси дунёдаги энг катта қурилма ҳисоблана­ди. Булар, албатта, бизга катта куч бе­ради. Технологиялар бўйича ҳар қанча мактанасқ арзийди. Уларнинг энг илғор ва тежамкорлари бизда. Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш борасида ҳам Австралия компанияси билан ҳамкор­ликда иш олиб бораёмиз. Бунда завод иш жараёни тўлиқ автоматик тизимга уланади, компьютернинг ўзи олдиндан иш жараёнини назорат қилиб, лойиҳа ва қилинажак ишларни алоҳида қайд этиб боради. Насиб этса, август ойи­нинг ўрталарида ана шу тизимга ўти­лади. Бу нима боради? Аввало, заводда

инсон омили билан боғлиқ хатоликлар­нинг олдини олиш имконияти вужудга келади. Барча маълумотлар бир жойга жамланади. Вақтдан ютилади. Демак, иш самарадорлиги янада ортади.

Ҳа, Ғузор кенгликлариди бугун на­фақат мамлакатимиз, балки дунёда тенгсизлардан бири бўлган “Uzbekistan GTL” заводи ҳудудини худди Қашқадарё кенгликлари каби чексиз дейсиз. Зеро, амалга оширилаётган ислохотлар, дав­латимиз раҳбарининг оқилона ва узоқни кўзлаб қоритаётган сиёсати шарофати туфайли Ўзбекистон замон билан ҳам­нафас бўлиб, табиий газ хомашёсидан юқори қўшилган қийматли қимматбаҳо маҳсулотлар тайёрламоқда. Янги Ўзбе­кистоннинг янги саноат маскани маҳсу­лотлари, алпақчадан, харидорлар эъти­бори ва эътирофига тушиб улгурган.

Бугун жаҳонда GTL технологиясига талаб кун сайин ор­тиб бораётганини, Халқаро энергетика агентлиғи ҳисоб-ки­тобларига кўра, ушбу технология маҳсу­лотларини ишлаб чиқариш ҳажми 2030 йилга бориб 2 баробар ўсишини инобат­га олсак, биз сўз қоритган корхона жамоа­си кўлга қиритадиган ютуқлар янада салмоқли бўлиши шубҳасиз. Қолаверса, тобора ўсиб бораётган энергия манба­лари бозорида GTL ёқилғидан фойдала­ниш ҳаво қиндиларини қамайтириши­нинг энг самарали, тежамкор ва хавфсиз усулларидан биридир.

Завод маҳсулотларидан хомашё сифа­тида фойдаланган ҳолда янги турда­ги юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Хусусан, ақин келажакда унинг негизига алкил-бензол, бутен ва гексен, малеин ангидрид, эмуль­сион қўшимчалар, катализатор каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қиймати 620 миллион долларлик 6 та лойиҳа рўбёга чиқарилади. Ўз навба­тида, булар кимё, тўқимачилик, чарм ва мебель, қурилиш материаллари ва электротехника каби соҳалар учун зар­ур хомашёларга бўлган эҳтиёжни қон­диришга хизмат қилади. Қўрярсизми, бир лойиҳа яна қанча лойиҳаларга йўл очмоқда! Бу ҳали ишлар энчил давом этишидан, жойларда кўп­лаб ишлаб чиқариш субъектлари пайдо бўлиши­дан далолат беради, албатта.

Бугунги кунга келиб минг нафарга яқинлашган “Uzbekistan GTL” жамоаси ана шу масъулиятни чуқур ҳис этган ҳол-

да меҳнат қилмоқда. Жамоага юртимиз­нинг турли ҳудудлари ҳамда хориждан тахрибали мутахассислар жалб қилин­ган ва уларга талаб тобора кўпаймоқда.

... Заводдан чиқар эканмиз, алоҳида ишчи қилимдаги ёшлар эътиборимиз­ни тортиди. Қизиқдик. Амалиётчилар И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ ун­верситетининг Ташкент­даги филиали талабалари экан. Улар бу ерда тахриба тўплаётган ёшларнинг бир гуруҳи, холос. Ваҳоланки, завод билан ҳамкорлик қилаётган билим дароҳлари бир неча. Бундан тушуниш мумкинки, “Uzbekistan GTL” бугун нафақат нефть-газ саноатининг таянч корхоналаридан бирига, балки ёш мутахассисларнинг тахриба олишири, келажак мақсадла­рини белгилаш масканига айланмоқда. Заводда бундай эзгу мақсадли лойиҳа­лар талайгина. Ана шу ҳамкорлик ва та­хриба алмашув эса яқин келажакда ўз самарасини кўрсатиши шубҳасиз.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбирлари



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz-uz_news

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Хар нафасимиз орзуларга тўла, хар одимимиз мақсадлар сари элтади. Аслида, ҳаётнинг маънисини шу: бахт-саодатга эришмоқ. Бир орзу ортидан бошқаси, бир мақсад ушалгач, янгиси пайдо бўлади.

ХАЛҚ РОЗИЛИГИ

БАХТЛИ ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ҲАҚИДАГИ ХОҲИШ-ИСТАКЛАР РЎЁБИ

Инсон борки, ўз уйи, хотиржам яшашга бошланса бўлишини истайди. Шу мақсад йулида куну тун меҳнат қилади. Бугун юртимизда қад ростиётган баланд иншоотлар, янгича кўп қаватли уйлар маҳобатига ғурур билан боқиб, ўша обод хонадонларда яшаётган одамлар қалбидаги шукроналик, қувонч ҳисларини пайқаш қийин эмас. Ахир диеримизнинг барча шаҳар-у туманлари, энг чекка ҳудудларида қурилатган янгича қиёфадаги турар жой бинолари ва замонавий массивлар минглаб юртдошларимизни уй-жой ва иш билан таъминлашга хизмат қияпти.

Қурилиш соҳаси иқтисодиётимизнинг чин маънода “драйвер” йўналишига айланди. Охириги олти йилда 250 минг хонадонли 8 мингдан ортиқ кўп қаватли уйлар, 21 минг хизмат кўрсатиш ва 10,5 минг ижтимоий соҳа объекти қурилди. Аммо барибур, асосий эътибор аҳолининг уй-жойига бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилмоқда. Аввало, одамлар уйли, ўзи ва oilаси тинч-хотиржам яшаш учун бошланали бўлсин, деган мақсад баридан устунроқ. Шу боис, турли дастурлар доирасида хар бир ҳудудда уй-жойлар қад ростламоқда.

Қурилиш вазирлиги маълумотларига кўра, охириги йилларда мамлакатимизда 218 мингдан зиёд хонадон фойдаланишга топширилди. Демак, шунча oilа уйли бўлди.

“Бугун ўз ҳаётимдан ғурурланаман”

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасидаги ислохотлар эпкинни пойтахтимизнинг Сергели туманидан бошланди. Қисқа фурсатда қаровисиз ҳудуд ўрнида мухташам шаҳарча қад ростлади. Йиллар давомида кичкина бўлса-да, бошланаси бўлишини қўри қилган минглаб юртдошларимиз бошланали бўлди. Бугун Сергелига борган одам бир пайтлар бу ернинг овлоқ, эътибордан четдаги жойлар бўлганини ишонмайди. Чунки одамлар билан гавжум кўп қаватли уйлар, иморатлар, савдо ва саноят объектилари ҳудудга янги қиёфа бахш этган. Биргина Янги Чоштепа маҳалласида 68 та кўп қаватли уй қад ростлаб, мазкур хонадонларда 6 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Яна иккита уй бўй кўрсатди, ҳадемай уларда ҳам юртдошларимиз янги ҳаёт бошлайди.

— Oilам билан ўттиз йилга яқин ижара уйларда яшадим, — дейди 56 ёшли Азиз Хидояттов. — Бошида қийинчиликларни сезмаган эканмиз, кетма-кет фарзандлар туғилгач, турмушимиздаги айрим кемтиклар кўзга ташлана бошлади. Ижарада яшашнинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлар экан. Бу борада oilа боши сифатида эркак киши зиммасида катта ҳук туради. Фарзандларимнинг тоби қонса ҳам, кўчадан бирор гап топиб келса ҳам ўзимни айбдор сезаман. Ўз уйингиз бўлса, истаган пайти уни дидингизга мос таъмирлайсиз. Ижара уйда истиқомат қилсангиз, бундай мақсадларни орзулайсиз, холос. Ўй эгасига сизнинг бу уйга нимадир олиб киришингиз ё ёқади, ёки йўқ. Шундай пайтларда ўз уйим бўлса, рўзгорни тўқис қилиб қўйсам эди, деб орзу қилганман. Яна бир муаммо шундаки, ижара уйдан орттириб, бир уйга еттулик пулни тўпласан осон эмас. Орзулаб-орзулаб ёшим эллик-

дан ўтди. Сергели туманида катта қурилишлар бошлангач, бизнинг қалбимизда ҳам умид учкун пайдо бўлди. Бугун уйим бор. Фарзандларим олдида юзим ёруғ бўлди. Ҳаётимдан, бугунги кунларимдан ғурурланаман.

Уй-жойли бўлиш Ватан ичра “кичик ватанли” бўлишга қиёсланади. Шу маънода, ўз ватанига эга бўлиш хар бир инсон учун азиз орзу, муҳим мақсадлардан биридир. Тан олиш керак, бу масалада 20-25 йил давомида шаҳар жойларда ҳам, қишлоқларда ҳам муаммолар тўпланиб қолган, бир уйда кўплаб oilа сиқилиб яшаётган ҳолатлар оз эмасди. Бундай шароитда яшаётган хонадонларда бошқа муаммолар ҳам келиб чиқарди. Эндиликда мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйган бунёдкорлик ислохоти одамлар бошидан шу каби муаммоларни ҳам аритди.

“Мухтарам Президент, сизнинг совғангизни олдим!”

Мамлакатимизда янгиланишлар дари бошлангач, қисқа фурсатда юз минглаб oilалар уйли бўлди, бой берилган йиллар-у уйларнинг чандиги лаҳзалар ичида битди, қурилган қийинчиликлар ўрнини фароғатли дамлар эгаллади. Ахир бошлангани борлиги кўнгилни хотиржам, турмушни фаровон қилади-да.

Мазкур йўналишдаги ўзгаришлар юртдошларимизнинг ҳаётдан розилиги ҳамда эртанги кунига ишончини мустаҳкамлашга сезиларли таъсир кўрсатяпти. Буни янги уйга қўчиб ўтган ёш кекса — барчанинг нигоҳидан ҳам илғаш қийин эмас. Фарғона вилоятининг Бағдод тумани марказидан 14 километр узоқликда янги массив — Гулистон шаҳарчаси қад ростлаш бағдодликлар ҳаётида катта ҳодиса бўлди. Президент ташаббуси билан бошланги, “Бағдод тажрибаси” сифатида эътироф этилган ушбу шаҳарчада 61 та кўп қаватли турар жой ҳамда маҳалла биноси, коворкинг маркази, маданият саройи, поликлиника, мактабгача таълим муассасаси, умумий ўрта таълим мактаби, спорт-соғломлаштириш мажмуаси ҳамда кўплаб савдо уйлари бунёд этилди. Натижада тумандаги 1 минг 200 дан ортиқ oilа уй-жой билан таъминланди. Янги массивнинг бунёд этилиши шунча oilага қувонч олиб кирди.

— Салкам он йил Россияда ишладим. Бир аёл қилиши мумкин бўлган барча юмушни қилиб кўрдим, — дейди Гулистонда яшовчи Зулхумор Мамажонова. — Юртимизга қайтганимда кўлимда 3 ёшли қизим бор, бунинг устига турмуш ўртоғим билан ажрашган эдик. Ҳам тушунлиқ, ҳам ишсизликдан қийналиб юрган кезларим маҳалламиз раиси тақлифи билан “Аёллар дафтери”га киритилдим. Бу дафтар менга имтиёзли кредит олиб, иссиқхона очшим учун катта имкон бўлди. 10 сотих ер берилди. “Туронбанк”дан 135 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бу ерлар тошлоқ эди, тозалаб иссиқхона қурдик, 95 тул лимон кўчати ўтқаздик. Иссиқхонада ишлар жадал кетаётган бир пайтда ёнимизда Гулистон шаҳарчаси қад ростлади. Уйлар нархи ҳамёнбоплиги учун менга ҳам уй олишни тақлиф қилишди. Бошлангич бадали давлат томонидан тўлаб берили-

шини, қолган суммани 20 йил давомида ойма-ой тўлаб боришим мумкинлигини айтишди. Бу ажойиб тақлиф эди: хар куни транспорт билан ишга келиш ўрнига уйдан чиқаману, ишимга — иссиқхонага ўтаман. Бироқ кўрқдим. “Тўпни тўлай олмасам, уялиб қоламан. Ундан кўра, иссиқхонани ривожлантирай. Вақти келса, бу ердан чиққан фойдамага уй ҳам опарман, хали қизим ёш-ку”, деб ўзимга таскин бердим. Аслида, ота-онамнинг уйда яшаш ҳам нуқулэй эди. Катта укам уйланган, кичик укамнинг уйланиши учун эса қўшимча хоналар керак.

Ўтган йили Президентимиз янги массивга ташрифи чоғида иссиқхоналарни ҳам кўздан кечирди. Шароит ва имкониятлар, иш жараёни билан қизикди. Биз билан суҳбатлашди. Мен “Ҳозир ўзимни иш билан таъминладим, вақти келиб, кўплаб иш ўринлари яратаман, лидер аёллар сафига бўламан”, деганимда давлатимиз раҳбари менга катта ишонч билдирди. Бу йилда қандай кўмак зарур бўлса, сўрашимизни, ортимизда давлатимиз, энг муҳими ўзи — Президент турганини айтди.

Бу воқеа ҳаётимда туб бўрилиш эсасди. Ҳам руҳимда ўзимга ишонч ҳисси кўчаиди, ҳам бир оз аввал пулни тўполмайман, деб кўрқиб тўлов қилолмаган уйлардан бири “Президент совғаси” сифатида бизга топширилди. 2 хонали уй қизим иккимизнинг ҳаётимизга ёруғлик олиб кирди. Хар доим бир-биримизнинг ёнимиздамыз. Энди уни ота-онамга ёки қарииндошларга ташлаб ишга кетмайман. Ҳаф талаб мени соғинмайди. Ёнимда эркин, меҳримга тўйиб улғаяди. Айтганча, бу йил иссиқхонанинг ярмига, лимон кўчатлари тағига бодиринг эдик. Эрта баҳорда 10 миллион сўмга яқин соф даромад қилдик. Банкдан олган кредитимизнинг салкам 1 йили шу билан ёпилди. Кейинги мавсумга 10 сотихга экишга қарор қилдим. Қолаверса, лимон кўчатлари ҳам бехато тутди. Ҳозир уларнинг ҳар бириси 50-60 донадан мева бор. Бу йилги ҳосилимиздан умидимиз катта. Энг қувончлисиди, ота-онамнинг мендан кўнгли хотиржам. Иссиқхона билан уйим ораси — бир қадам. Шаҳарчамизда замонавий боғча ҳам қурилган, эрталаб қизимни боғчага ташлаб, ўзим иссиқхонага келаман. Кўчатлардан хабар оламан. Банк кредитини ёпиб бўлсам, нон ва печенье маҳсулотлари пишириш цехи қуришни уйлаб турибман. Иссиқхонани ҳам кенгайтирамыз. Ота-онамнинг қувончини бир кўрсатдик. Отам ҳаммизга “Қизимиз учун шароит қилиб беришга имкон қилолмадик, бу шароитни давлатимиз яратиб берди”, дейди дуога қўл очаркан.

Мен она Ватанимни соғиниб ўзга юрт тупроғида ишлаб юрган кезларим қимдир “яна уч-тўрт йилдан сўнг ҳаётинг мана шундай ўзгариб кетади”, деса ишонкиш туғул, тасаввур ҳам қилолмасдим. Бироқ бугун ҳаёлимиз ҳам келмаган бахтиёр кунларни яшапман.

Шаҳар ичидаги “шаҳарча”лар

Аҳоли учун турар жойлар қурилиши бундан кейин янада ортиб бораверади. Ахир Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегиясида белгиланган вазифалар каторида уй-жой масаласини ҳал этиш ҳам бор. Бу вазифа йилдан-йилга фаоллашиб, янги тажрибалар асосида ривожланиб бораётгани масаланинг иккинчи томони. Ана шундай замонавий турар жой биноларидан бири — “Янги Ўзбекистон” массивлари.

Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида 29 та турар жой массиви қуриш учун ҳудудлар танлаб олинди, ишлар фаол олиб бориляпти.

— “Янги Ўзбекистон” массивлари — бу бир вақтнинг ўзида аҳоли яшаш уйлари, ижтимоий соҳа объектилари, зарур инфра-

Ҳаётимиздаги муаммолардан бири “кичик шаҳарлар”, дейиш мумкин. Ҳозир юртимизнинг хар бир вилоятида 2-3 тадан шундай массивлар қуриляпти. Жорий йилнинг ўзида 29 та “Янги Ўзбекистон” массивида 21 минг 312 хонадонли 619 та кўп квартиралар уй-жой, 18 та мактаб, 24 та боғча, 15 та oilавий поликлиника қуриш режалаштирилган. Массивлар қурилиши катта лойиҳа бўлиб, ишлар Бағдод намунаси асосида олиб боришмоқда. Қурилиш жараёнида эса жаҳон андозалари ва илгор технологиялар кенг қўлланиляпти.

Массивлар қурилиши ўтган йили биричилардан бўлиб Андижон шаҳри яқинида бошланган эди. 3 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган вилоятда шаҳарчага пойдевор қўйилган кундан буён катта ишлар амалга оширилди. 10 йилга мўлжалланган 8 босқичдан иборат лойиҳанинг биринчи босқичи яқунлашиб арафасида. Маълумотларга кўра, ҳозир вилоятда 30 минг аҳоли уйга муҳтож. Массив қурилишининг ilk босқичидаёқ уларнинг 20 мингдан зиёди уй-жой билан таъминланиши мўлжалланган.

Андижон шаҳри мамлакатимизда аҳоли энг зич жойлашган ҳудуд бўлиб, унинг ўзида ривожланиш учун бўш жой деярли йўқ. Шу боис, янги ва замонавий шаҳарча қурилиши учун аҳоли уйлари бўлмаган, қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмайдиган майдон танланди. Яъни янги шаҳарча 4 минг гектарлик адирлик устида бунёд этилмоқда. Массив уй-жой, савдо масканлари ва кичик саноят зонаси, яшил ҳудуд, хизмат кўрсатиш ҳудуди ҳамда автомобиль йўлларидан иборат бўлади. Қолаверса, таълим муассасалари, даволаниш масканлари қурилиб, ҳудудни тўлиқ инфратузилма билан таъминлаш, мавжуд йўллари капитал таъмирлаш ва янгиларини қуриш ишлари олиб боришмоқда.

Уй харид қиладиган одам учун унинг мустаҳкамлиги, зилзилага бардошлилиги муҳим аҳамиятга эга. Пойдевори бакуват хонадон узоқ йиллар хизмат қилади. Шу боис, лойиҳа доирасида уй-жойлар қурилиши сифатида алоҳида эътибор қаратилгани ҳолда, ер участкаларининг геологик жойлашуви, сейсмик даражаси, сел аригини ташкил қилиш каби ҳолатлар ҳам аниқ рақамлар асосида ҳисобга олинган. Қурилишга бош-қош бўлаётган пудратчи ташкилотлардан биринчи навбатда, лойиҳаларни сифатли амалга ошириш талаб этилаётгани ҳам беҳиз эмас. Бундан қўзланган мақсад ягона — аҳолига узоқ йиллар хизмат қиладиган замонавий ва шинам хонадонларни топшириб, одамларнинг обод масканларда фаровон ҳаёт кечиришига замин яратишдир.

Уй олиш орзу эди...

Ана энди манзилни Тошкент вилояти томон бурамиз. Пискент туманида ҳам “Янги Ўзбекистон” массиви қуриляпти. Ушбу кичик шаҳарча ҳақида биз эмас, шу ҳудуднинг фуқароси, қурилиш жарамига бевосита бўлаётган инсон гапирса, аини мудоао гувоҳ.

— Яқиндагича фақат қоғозда лойиҳаси турган уй-жойлар бугун ростмана қад ростлаётганини кўриб, талабалар даврлари ёдимга тушади, — дейди пискентлик Башорат Сатторова. — Ўша вақтларда энг катта муаммоларимиздан бири ижара уй топиш бўлиб, бу азобни жуда кўп бошдан кечирганмиз. Ижара уй топишининг ўзи бир муаммо бўлса, хонадон эгасининг таънаю маломатлари, тергашу тақиқларига чидаб яшаш яна бир муаммо бўлар ва шундай пайтларда, қанийди кичкинагина бўлса ҳам ўз уйимиз, бошпанамиз бўлса, чарчаб келган вақтимизда тинчгина ҳордиқ олсак, истаган вақтимизда чироқ ёкиб, истаган вақтимизда овқат пиширсак, деб орзу қилардик.

Давлатимиз томонидан аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган сиёсат туфайли, кечагича ўз уй-жойи бўлишини орзу қилиб юрганлар бугун шинам квартиралар эгасига айланётганини кўриб, қувонаман. Одамлар уйли бўлса, кўнгли хотиржам, ишида унум бўлади. Айнқиса, аҳоли сони, янги oilалар қўлайгани сари уй-жойга талаб ҳам ортиб бораверади.

Пискент тумани Файрат маҳалласидаги 19 гектар майдонда бунёд этилаётган “Янги Ўзбекистон” турар жой массиви қарийб 2000 oilани уй-жой билан таъминлаш имконини беради.

Уйларни кўздан кечирар эканмиз, қурилиш масъулларидан бири: “Назорат ташкилотлари деярли хар куни келиб, қурилишда фойдаланилаётган оддий типроқдан тортиб, гишт цементимизгача, барча қурилиш материалларимизни текшириб қуради. Хар бир текшириш ҳулосаси, лаборатория натижалари чиқмагунча қурилишни давом эттиришимизга рухсат берилмайдиган”, деди. Бу мамлакатимиздаги хар бир фуқаронинг ҳаёти, бехатар яшаш давлатимиз зиммасида экани, юртимизда инсон oilали энг oilий қадрият сифатида белгилаб қўйилганининг яна бир исботи эмасми?

Ҳақиқатан ҳам, уйлар қурилишида энг замонавий ва юқори сифатли қурилиш материалларидан фойдаланиляпти. Эътиборлиси, улар аҳолининг уй-жойига бўлган талабидан келиб чиқиб қуришмоқда. Атрофда жуда катта ободонлаштириш ишлари ҳам амалга ошириляпти. Мактаб, боғча, савдо дуконлари, спорт комплекслари қуриляпти. Массивдаги

си ва иқтисодиёт тармоқларида электр энергиясига бўлган талаб икки баробар қўлаяди. Шу боис, уй-жойлар қурилишида энергия тежамкор воситалар ҳамда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш анча самарали.

Бу борада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик лойиҳалари ҳам амалга ошириляпти. Хусусан, БМТ Тарақиёт дастури ҳамкорлигидаги “Ўзбекистонда энергия самарадор қишлоқ турар жой бинолари қурилишини ривожлантиришга кўмаклашиш” қўшма лойиҳаси доирасида бугунга қадар мамлакатимизда 20 мингга яқин бир ва кўп қаватли энергия тежамкор арзон қишлоқ уйлари қурилди. 2019 йили қишлоқ жойларда қурилган бир қаватли алоҳида хонадонларнинг 800 тасига хар бири 300 Вт қувватга эга, 2020 йилда 4 қаватли турар жой бинолари 528 хонадонига хар бири 600 Вт қувватга эга қўёш панеллари ўрнатилган. 2021 йилда эса Тошкент вилояти Нурафшон шаҳрида деярли энергия сарфламайдиган замонавий уй қурилиши ишлари бошланди.

Умуман, уй-жой қурилишда аҳоли эҳтиёжи ва талаблари бирламчи аҳамиятга эга. Одамлар кечаги ва бугунги



тайёр уй-жойлар бу йил ўз эгаларига бирин-кетин топширилади. Қолган хонадонлар ҳам лойиҳа режаси асосида қуриб битказиладиган.

Массив атрофидаги 10 гектар ерда иссиқхоналар барпо этилиб, талабгор хонадон эгаларига ажратилиш ҳам режалаштирилган. Бундан ташқари, лимонзор, боғ ва тоқзорлар яратиш учун ер ажратилиш масаласи ҳал этилмоқда. Қарабосизки, бу ерда истиқомат қиладиган одамлар бир йўла ҳам уйли, ҳам ишли бўлади!

Деярли энергия сарфламайдиган уйлар

Юртимизда қурилишлар борасида яшагича тажриба шаклланимоқда. Аънавий қурилиш материалларидан воз кечилиб, замонавий, энергия тежамкор, иссиқликни яхши ушлаб қолувчи, хуллас, камхарж уйлар қурилиши оммалашиб борапти. Биз юқорида сўз юритган “Янги Ўзбекистон” массивлари ҳам ўзига хос тажриба орқали ташкил этилиб, миллионлаб маблаг тежаб қолинапти.

Масалан, “Янги Андижон” массивида аҳолини сув, иссиқлик ҳамда электр энергияси билан таъминлашда тежамкор технологиялар қўлланилиши ҳисобига харажатлар 74 миллиард сўмга қисқараётгани айтилди. Қолаверса, мазкур массивда юртимиздаги биринчи монолит конструкцияли 5 қаватли мактаб биноси қуриляпти. Бино энергия тежамкор қопламалар ойна ромлари билан жиҳозланиб, фасад қисмида газоблок қурилиш материаллари ишлатилгани боис, келажакда электр энергияси ҳажмини 50 фоизгача қисқартирар экан. Рақамли технологиялар асосида бошқариладиган ilk метробус ҳам шу массивда қуриляпти.

Ҳозир табиий бойликлардан фойдаланиш хар қачонгидан долзарб масалага айланган. Мутахассисларнинг фикрича, келгуси 10 йилда мамлакатимиз аҳоли-

уиларни солиштириб, анча ўсиш борлигини сезаяпти. Бу ўсиш нафақат сон ва сифат, балки уй олиш имкониятларини кенгайтириш борасида ҳам кўзга ташланаётгани қувонарли.

Яъни уч йил олдин мамлакатимизда аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича бозор таъминотларига асосланган янги ипотека тизими жорий этилди. Натижада биргина шу йилнинг ўтган беш ойида ипотека кредитларни ҳажми 2,5 баробар ошди, 310 мингдан зиёд oilа шахсий уй-жойга эга бўлди. Бу рақамлар кун сани ўсиб бораётганини яқини. Зеро, шу юртинда ишба, меҳнат қилаётган хар бир инсон Ватан ичра “кичик ватан”га эга бўлишга тўла ҳақли.

Бу масала Конституцияда ҳам акс этади

Мамлакатимизда амалга оширилаётган халқчил ислохотлар хар бири-мизнинг ҳаётимизда бўй кўрсатяпти. Президентимиз аҳолининг эҳтиёжманд қатламни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича Конституцияга жуда муҳим тақлифларни илгари сурди. Хусусан, давлатнинг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд ва кам таъминланган уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни қонунда белгиланган тартибда уй-жой билан таъминлаш ҳақидаги меъёр халқимиз кўнглини кўтарди. Бу масаланинг Асосий қонун билан мустаҳкамланиши, аҳолининг уй-жой билан таъминланиши жараёни давом эттирилиши мамлакатимизда халқни рози қилиш йўлидаги қадамлардан яна бири бўлиши шубҳасиз. Демак, бу йўналишдаги ислохотлар ҳали олдинда.

Ирода ТОШМАТОВА,
Башорат ЮНУСОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбирлари



